

УДК 581.1:631.8

## ТУПРОҚДА ОРГАНИКА, МАКРО ВА МИКРО ЭЛЕМЕНТЛАРНИ КҮПАЙИШИННИНГ АҲАМИЯТИ

*<sup>1</sup>Атоев Бахтиёр Кўлдошевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.,  
катта илмий ходим [baxtiyor.atoev@mail.ru](mailto:baxtiyor.atoev@mail.ru)*

*Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти, Тошкент*

*<sup>2</sup>Жўраев Нурбек Ўрал ўғли, Тупроқшунослик ва агрокимё кафедраси  
ўқитувчиси [nurbek87jurayev@gmail.com](mailto:nurbek87jurayev@gmail.com)*

*Ўзбекистон Миллий Университети Биология факультети*

**Аннотация.** Органик ерларни кўпайиши, соф тупроқ ва соф ҳосил гаровидир. Тупроқда органика, макро ва микро элементларни кўпайтиришда - органик ўғитларни алоҳида ўрни бор. Органик ўғитлар тупроқ хосса-хусусиятларини яхшилади. Тадқиқотларда, чиқинди ва қлдиқлардан фойдаланиб, органик ўғитлар тайёрлаб тупроқнинг ҳайдалма (0-30 см) қатламини компостга айлантириш агротехнологияси яратилган.

**Калит сўзлар:** сугориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи ва сугориладиган ўтлоқи тупроқ, органика, макро ва микро элементлар, озиқлантириш меъёри ва муддатлари.

**Кириш.** Республикамиз тупроқлари ўзига хос хусусиятга эга. Тупроқ типлари типчаларининг ўзгариши кўп факторлари қаторида тупроқ-икклим шароитлари ҳам таъсир қўрсатади. Айниқса чўл минтақаси худудида тарқалган тупроқлар озиқа элементларга камбағал, гумус миқдори паст, шунга мос макро ва микро элементлар ҳам кам таъминланган. Кейинги пайтларда, тупроқда органик ўғитлар кам тушиши янада озиқа элементларни тупроқда қайшига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги пайтда сугориладиган тупроқлардан самарали фойдаланишда -органик дехқончиликни ривожлантириш лозим бўлади. Сабаби ҳозирда республикамиз тупроқлари турли даражада шўрланган, деградацияга, эрозияга учраган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини яхшилашда республикада мавжуд чиқинди ва қолдиқлардан компостлаш усули асосида турли меъёр ва нисбатларда органик ўғитлар тайёрлаш, қўллаш катта аҳамият касб этади. Жуда қадимдан инсонлар тупроқ унумдорлигини ошириш учун турли-туман воситалардан фойдаланиб келинган[1.-36 б. 6; -330 б.]. Гўнглари, ўсимлик куллари, ариқ лойқаларидан ўғит сифатида фойдаланиб, экинлардан юқори ҳосил олишган. Кейинчалик ва фан ва тарақиёт ривожланиб, компостлаш усули билан органик, ноанъанавий ўғитлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бугунги кунга келиб минерал ўғитлар ишлаб чиқарила бошлади ва органик ўғитлар


тайёрлашлар бир оз чекинди. Аммо тадқиқотлар кўрсатишича, ҳеч қайси минерал ўғит турлари органик ёки ноанъанавий ўғитлардек тупроқка узоқ ва самарали таъсир кўрсатаолмас экан. Тупроқнинг сув-физик, механик, агрокимёвий, экологик хоссалари яхшиланади. Тупроқ табиий озиқа элементлар билан бойиб боради [2;-4 б; 3; 9-12 б; ].


**Материал ва методлар.** Дала тажрибаларини қўйиш, фенологик кузатишлар, тупроқ ва ўсимлик намуналари олиш ва кимёвий таҳлили, ҳосилдорликни аниқлаш «Дала тажрибаларини ўтқазиш услублари», «Методика полевого опыта» (Б.А.Доспехов, 1985) [4, 248-255 б] услубий қўлланмаси асосида, тупроқ намуналарининг кимёвий таҳлиллари «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии», [5, 12-18 б] асосида ўрганилган.

**Натижалар ва уларнинг янгилиги:** дала тадқиқотлари ўтқазилаётган жой Навоий вилояти Қизилтепа тумани “Тошработ” массивининг сугориладиган тупроқлари Маликчўл худудига киради. У чўл минтақасида жойлашган бўлиб, Зарафшон водийсининг ғарбий қисми паст текисликларини ҳамда Қизилқум чўлининг шарқий қисмидаги худудларигача эгаллаган. Дала тажрибаси олиб борилган жой, учинчи геоморфологик тузилиш: Офтобачи платосининг ўзан шаклидаги бурилишида жойи ҳисобланади. Кейинги даврда, яъни XX асрнинг 60-70 йилларида сур тусли қўнғир тупроқлар тарқалган кўп майдонларнинг ўзлаштирилиши сизот сувларининг ер юзасига яқин жойланишига олиб келган. Натижада, сугориладиган ерларда иккиласи шўрланиш жараёнларининг ривожланиши бошланди. Дастраси автоморф сур тусли қўнғир тупроқлар пайдо бўлиш жараёнлари гидроморф, ярим гидроморф тупроқлар ҳосил бўлиш жараёнларига ўзгариб борган. Сугориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи ёки сугориладиган ўтлоқи тупроқлар жуда кўп олимлар томонидан ўрганилган бўлсада, айнан шу худуд учун улар генетик-географик ва экологик мелиоратив жиҳатдан ҳали ҳам атрофлича таҳлил этилмаган.

Сугориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи ўтлоқи тупроқлар механик таркиби бўйича енгил қумоқли. Тупроқлар кам гумусли тупроқлар қаторига киради. Тупроқда умумий гумус миқдори 0,27-1,09 % гача, азот миқдори 0,032-0,093 % гача, фосфор миқдори 0,096-0,132 % гача ва калий миқдори 0,8-1,2 % гача тебранади. Азот билан ўртacha, фосфор ва калий билан ўртачадан паст таъминланган. Сизот сувлар сатҳини 1,6-2,0 метр атрофида кўтарилган. Қуруқ қолдиқ миқдори 3,700 г/л. Тупроқ ва ер ости суви хлорид-сульфатли тузлар билан ўртacha даражада шўрланган бўлса, сугориладиган ўтлоқи тупроқлар механик таркиби бўйича ўрта қумоқли. Тупроқда умумий гумус миқдори 0,40-1,20 % гача, азот миқдори 0,11-0,16 % гача, фосфор миқдори 0,098-0,162 % гача, калий миқдори 0,9-1,8 % гача тебраниб туради. Азот, фосфор ва калий билан ўртacha таъминланган. Сизот сувлар сатҳини 2,0-2,5 метр атрофида кўтарилган.

Куруқ қолдиқ микдори 1,900 г/л. Тупроқ ва ер ости суви хлорид-сульфатли тузлар билан күчсиз даражада шўрланганлиги аниқланган. Органик ўғитлар таъсирида, кузги буғдойнинг “Васса” нави уруғининг энг яхши униб чиқиши юқорида ҳар иккала ўрганилган тупроқлар шароитида ҳам 10 тонна/га чиқинди, қолдиқлар ва (соғ ҳолда)  $N_{154}P_{112}K_{35}$  кг/га ўғит меъёрларида аниқланган. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларга нисбатан суғориладиган сур тусли қўнғир- ўтлоқи тупроқларда 1-2 кунга эртароқ, униб-чиқиши микдори ҳам 2-4 % га кўп бўлган. Органик ўғитларнинг тупроққа шунингдек, кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланишида ҳам таъсири кўрсатган. Масалан, поянинг энг юқори бўйи вегетация охирида суғориладиган сур тусли қўнғир - ўтлоқи тупроқларда 90,5 см бўлган бўлса, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда 100,4 (9,9) см га фарқ қилган. Тупроқдаги озиқа элементлар микдори ўғитга боғлик равишда ўзгариб борган. Тупроқда азот, фосфор ва калий озиқа элементлар микдорлари вегетация бошида камроқ, вегетация охирида кўпроқ камайиб борган. Тадқиқотлар ўтказилган ҳар иккала (суғориладиган сур тусли қўнғир- ўтлоқи ва суғориладиган ўтлоқи) тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдойнинг “Васса” нави органларида, вегетация даврининг бошланишида таркибидаги озиқа элементлар микдори камроқ (униб-чиқиши ва майсалаш даврларида), вегетация даври ўрталари (тупланиш, найчалаш ва бошоқлаш даврларида) кўпроқ камайиши ва вегетациянинг охирги (сут-сум ва тўла пишиш) давларида яна озиқа (NPK) элементлар ўсимлик органларида бир оз камайган. Ҳар иккала ўрганилган тупроқлар шароитида ҳам қузги буғдой таркибида вегетациянинг бошидан охиригача азотни ўртacha, фосфор ва калийни нисбатан камроқ тўплаши аниқланган. Худди шунингдек, ҳаракатчан шаклдаги микро- (мис, рух, марганец ва бор) элементлар вегетация даври бошидан охирига қадар камайиб борган, айниқса суғориладиган ўтлоқи тупроқларда кўпроқ камайган (1-расм).





**1–расм. Кузда олинганды тупроқнинг 0-30 см қатламида микро (Cu, Zn, Mg, B) элементлар микдорининг ўғитлар таъсирида ўзгариши, мг/кг**

**Хуносасы.** Сүфориладиган тупроқнинг ҳайдалма (0-30 см) қатламини компостга айлантириш агротехнологияси яратилган. Шу асосида тупроқнинг агрокимёвий хоссаларини яхшиланган, кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил шакллантиришда мақбул озиқлантириш тизими (меъёрлари, микдорлари ва муддатлари) ишлаб чиқилған. Кузги буғдой ҳосили ва дон сифатини оширишга қаратилған мақбул (10 тонна/га чиқинди, қолдиқлар ва N<sub>154</sub>P<sub>112</sub>K<sub>35</sub> кг/га ўғит қўллаш) меъёрлари; шунингдек, микдорлари ва муддатлари (азотли ўғитни йиллик меъёрининг 20 % и экишдан кейин, 25 % и тупланиш даврида ва 35 % и найчалаш даврида ва 20 % и бошоқлаш даврида; фосфорли ўғитни йиллик

меъёрининг 60 % и экишдан олдин, 20 % и экишдан кейин, 15 % и тупланиш даврида, 5 % и найчалаш даврида; калийли ўғитни йиллик меъёрининг 60 % и экишдан олдин, 20 % и экишдан кейин, 15 % и тупланиш даврида ва 5 % и найчалаш даврида қўллаш) ишлаб-чиқаришга тавсия қилинган.

Ўғитларни мақбул (10 тонна/га чиқинди, қолдиқлар ва  $N_{154}P_{112}K_{35}$  кг/га ўғит қўллаш) меъёрлари ва муддатларида, ўрганилган тупроқларнинг сув-физик, агрокимёвий хоссаларини яхшилаган, макро ва микро озиқа элементлар кўпайганлиги аниқланган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мухаммаджонов А.Р. Кўйи Зарафшон водийсининг суориш тарихи. Қадимги даврдан то XX-аср бошларида. –Тошкент: 1994. -36 б.
2. Б.Қ.Атоев. Тупроқ-бойлик // Qiziltepa tongi газетаси. 2019. 8-июн. №23 (6363) 4-б.
3. Б.Қ.Атоев. Чиқинди ва қолдиқлар ҳисобидан тупроқда озиқа элементларни кўпайтириш агротехнологиянинг аҳамияти// Коракалпокиском институте сельского хозяйства и агротехнологии состоится международной научно-технической конференция на тему “Мониторинг использования водных ресурсов в Приаралье и разработка новых технологий контроля воды” 14 май, 2022. 9-12 б.
4. Доспехов Б.А.Методика полевого опыта.М.1985 Агропромиздат.С.248-255.
5. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии Издание 5-е. –Тошкент. 1977. 12-18 б.
6. Бўриев Я ва бошқ. Озиқлантириш меъёрларининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири. / Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари (1-қисм). Халқаро илмий-амалий конференция маъruzалари асосидаги мақолалар тўплами. -Т.: 2007. -Б. 330.